

## Юртимиз уламолари ўқсик кўнгилларга қувонч улашмоқдалар



22:26 / 08.06.2021 1444

Аввал хабар берганимиздек, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари бошчиликларидаги бир гуруҳ уламолар Андижон вилоятига сафарлари мобайнида ҳудуддаги ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабар олиб, ширин сўзлари ила уларнинг қалбларига хурсандчилик киритмоқдалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков ва Тошкент ислом институти катта устози Муҳаммад Аюбхон домла Ҳомидов ушбу вилоятдаги мана шундай эътиборга муҳтож, кўнгли ўқсик фуқаролардан бўлган “Меҳнат” маҳалласида яшовчи, оғир дардга чалинган фарзанднинг онаси Аҳмедова Нилуфар ва “Янгиҳаёт” маҳалласида истиқомат қилувчи, бемор Ахмадалиева Халимахонга “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, диний-маърифий китоблар жамланмаси ва пул

маблағлари тарқатилди.

Муҳтарам Президентимиз томонларидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларидандан масрур қалблар кўрсатилган ёрдам ва мурувватдан мамнун бўлиб, миннатдорлик изҳор қилдилар.

Дарҳақиқат, дини мубинимизда муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишга доимо тарғиб этилади. Уламолар мана шундай инсонлар билан дилдан суҳбат қилиб, ҳадялар ила уларнинг дилларини равшан этмоқдалар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида: «Аллоҳ таолога фарзлардан кейинги энг севимли амал мусулмоннинг қалбига хурсандлик киргизишдир», деганлар.

Ҳазрат Алишер Навоий айтадилар:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлағай.

Ҳа, мана шундай хайрия ишлари орқали шундай инсонларнинг синиқ кўнгилларини кўтариб, дилларига мамнунлик улашиш ҳар бир виждонли инсон учун ҳузурбахш амаллардан ҳисобланади.

Уламоларнинг Андижон вилояти сафари давом этмоқда.





